# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602 БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА № 21 (1252) 2020 ЙИЛ 4 ИЮНЬ


## БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БАНК ХИЗМАТЛАРИГА ДОИР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

**Марказий банк раиси ўринбосарлари Бухоро вилоятида тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишишди.**





– Юзма-юз мулоқотларда тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси, табиий офат натижасида талафот кўрган иссиқхоналарни қайта тиклаш, вақтинчалик фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

– Тадбиркорлик субъектларининг муаммолари, шу жумладан, кредит ажратилиши кечикаётган лойиҳалар, банк хизматларига доир барча масалалар тижорат банклари раҳбарлари ва туман фаоллари иштирокида бирма-бир ўрганилди ҳамда аксарияти жойида ҳал этилди. Келгусида ҳудудни янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Марказий банк**
**Ахборот хизмати**

## "AGROBANK" БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ "SBERBANK" КАРТАЛАРИГА ТЕЗКОР ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

**Энди иккала йўналишда ҳам "Agrobank – Sberbank – Agrobank" пул ўтказмалари янада қулай ва янада тезкордир. Эндиликда Сиз Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмасини "Agrobankmobil" иловасида ва Россиядан Ўзбекистонга – "Sberbank Online" иловасида амалга оширишингиз мумкин. Бунинг учун банк офисига ташриф буюришингиз шарт эмас.**

Пул ўтказмасини амалга ошириш учун банк картаси рақамини ёки олувчининг мобил телефон рақамини киритишнинг ўзи кифоя.

2020 йил 26 май куни Тошкент – Россия ва Ўзбекистондаги энг йирик банклар – "Sberbank" ва "Agrobank", "Agrobank" карталаридан "Sberbank" карталарига тезкор пул ўтказмалари хизматини ишга туширди. Шундай қилиб, тўғридан-тўғри пул ўтказмалари энди иккала йўналишда ҳам мавжуд.

Россияга пул ўтказиш "Agrobankmobil" иловаси орқали амалга оширилади. Юборилган пул маблағлари "UzCard" ва "Humo" банк карталаридан олинади, махсус айирбошлаш курси бўйича рублга ўтказилади ва тўғридан-тўғри "Sberbank" карталарига ўтказилади. Жараёнга воситачилар жалб қилинмаганлиги сабабли комиссия атиги 1 (бир) фоизни ташкил қилади.

Маълумки, ўтган йилнинг кузида "Agrobank" "Sberbank" иловаси орқали Россиядан Ўзбекистонга миллий банк карталарига пул ўтказмаларини амалга оширганлигини эълон қилган биринчи банклардир. Кейин, тақдимот пайтида банк вакиллари йиғилганларга қарама-қарши йўналишда, яъни миллий банк карталаридан "Sberbank" карталарига пул ўтказмаларини ташкил қилишга ваъда беришди.

*Давоми-2*

## TURON BANK "ТУРОНБАНК" БИЛАН УСТЮРТ ЧЎЛЛАРИДАГИ МИНЕРАЛЛАР ЭКСПОРТБОП ХОМАШЁГА АЙЛАНМОҚДА

**Бугунги ахборот коммуникация технологияларига асосланган даврда, қишлоқ хўжалиги тармоғида юқори ҳосилдорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини кимёвий ўғитларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, мамлакатимизда жадал ривожланаётган автомобилсозлик, тўқимачилик, фармацевтика, косметика, электроника ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳалари импорт ўрнини босадиган кимё маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо қилмоқда.**




*Давоми-3*

# "AGROBANK" БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ "SBERBANK" КАРТАЛАРИГА ТЕЗКОР ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

*1-бошланиши*

**Азамат ТЎРАЕВ, Бошқарувчи директор –"Agrobank" Бошқаруви Раисининг ўринбосари:**

– Биз мижозларимизга берган ваъдамизни бажара олганимиздан ва миллий банк карталаридан "Sberbank" карталарига пул ўтказиш имкониятини берганимиздан мамнунмиз. Ушбу хизмат сизга "Sberbank" карталарига дарҳол пул ўтказиш имкониятини беради. Ушбу хизмат фарзандлари Россия Федерациясида таҳсил олаётган ота-оналар учун ҳам, бошқа сабабларга кўра, шу жумладан меҳнат миграцияси ёки даволаниш учун келган юртдошларимиз қариндошлари учун ҳам фойдали бўлади.

**Кирилл ДМИТРИЕВ, "Sberbank" нинг тўловлар ва ўтказмалар бўлимининг директори:**

– Биз Россия, иқтисодий ва маданий алоқалари яқин бўлган Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Арманистон ва бошқа давлатларга зудлик билан узатишнинг экотизимини изчил қурмоқдамиз. Бу масалада бизнинг устувор вазифаларимиз – транзакцияларнинг қулайлиги, тезлиги ва хавфсизлиги. Биз ушбу хизматга уланган хорижий банклар сонини кенгайтиришни давом эттирмоқдамиз: бугунги кунда уларнинг сони 19 тага етди ва МДҲ мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашлари ва ўзларининг мобил иловаларида Россияга пул ўтказмалари учун ўхшаш имкониятларни яратишни бошлашлари жуда муҳимдир.

**Зафар МАМАЖОНОВ, банк карталарига хизмат кўрсатиш департаменти директори:**

– "Sberbank" картасига пул ўтказмасини амалга ошириш учун сиз "Agrobankmobil" иловасини юклаб олишингиз, Ўзбекистондаги исталган банкнинг банк картасини қўшишингиз ва пул ўтказмасини амалга оширишингиз керак бўлган "Ўтказмалар" бўлимида "Sberbank" карта рақамини киритишингиз керак. Пул автоматик равишда конвертация қилинади ва шу заҳотиёқ олувчининг картасига ўтказилади.

Ҳозирги вақтда "Agrobankmobile" – бу энг кўп юклаб олинган банк дастурларидан бири. У "Humo", "UzCard" карталари ўртасидаги пул ўтказмалари, уяли алоқа операторлари ва интернет-провайдерларининг хизматлари учун тўлов, коммунал тўловлар, онлайн омонатлар, онлайн микрокредитлар, валютани конверсия қилиш ва бошқа хизматларни таклиф этади.

**Нидерландия тараққиёт банки кичик бизнесни молиялаштириш мақсадида "Hamkorbank" АТБга 40 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияни тақдим этди. Янги кредит линия маблағлари давлатимизда фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектларини фаолиятини кенгайтиришга ва қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини сотиб олиш бўйича лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.**



# "HAMKORBANK" НИДЕРЛАНДИЯ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН КРЕДИТ ЛИНИЯ ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА БИТИМ ИМЗОЛАДИ

Нидерландия тараққиёт банки дунёдаги йирик ва нуфузли молия институтларидан бири ҳисобланади. "Hamkorbank"нинг мазкур банк билан ҳамкорлиги 2012 йилдан бошланган бўлиб, шу даврагча икки банк ўртасида бир неча бор кредит битимлари имзоланган бўлиб, кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга йўналтирилган. 2014 йилдан бошлаб эса

Нидерландия тараққиёт банки "Hamkorbank" АТБ акциядорларидан бири бўлиб келмоқда.

– "Hamkorbank" билан узоқ муддатли муносабатларимизни янги кредит линияси билан янада кенгайтириш ва ушбу ажратилаётган кредитнинг 50% яшил бизнесни молиялаштиришга мўлжалланган. "Hamkorbank" Ўзбекистондаги етакчи хусусий банк бўлиши билан бир қаторда ўзларини яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи банк сифатида ажралиб туради ва бизнес юритиш имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Биз келгусида "Hamkorbank" билан узоқ ва ишончли ҳамкорликни кутиб қоламиз, – дейди Нидерландия тараққиёт банкининг Молия институтлари билан ишлаш департаменти директори Хуиб-Джан Де Раутер.

Қайд этиш жоизки мазкур хорижий банк билан ҳамкорлик натижасида шу кунгача 400 дан ортиқ лойиҳалар молиялаштирилди ва уларнинг линиялари орқали 2 000 га яқин янги иш ўринлари яратилди.



# "АСАКА" БАНК ЕТТБ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШГА БЕЛ БОҒЛАДИ

**Мамлакатимизда халқаро молия институтлари билан иқтисодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу жараёнда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда банк маҳсулотлари ва хизматларидан тўғри фойдаланиш молиявий бозорни ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланади.**

Бу жиҳатларни эътиборга олган "Асака" банк раҳбарияти кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шунингдек, хусусий тадбиркорлар молиявий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда "Асака" банк Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорликда семинар ўтказди. Тадбирда ЕТТБ вакили Жаҳон Шамсиев ишбилармонларни, энди иш бошлаётган тадбиркорларни савдони молиялаштириш воситалари билан таништирди. Шунингдек, "Асака" банкнинг мазкур халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиққан молиявий воситалар ва молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳаси тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

ЕТТБ вакили замонавий банк хизматларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланишга бўлган қизиқиш, шубҳасиз, молиявий бозорларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Турли соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар, янги самарали молиявий воситалардан фойдаланиш имкониятлари, товарлар экспортини ривожлантириш муҳокама қилинди.



Семинарда, шунингдек, ЕТТБ савдони ривожлантириш дастури, кафолатларни тақдим этиш, қисқа муддатли молиялаштириш, ички ва ташқи фактор, кичик ва ўрта бизнес вакилларига маслаҳат бериш каби мавзулар бўйича ҳам маълумотлар тақдим этилди.

Тўқимачилик саноати вакиллари бизнесни муваффақиятли юритиш тажрибаси билан ўртоқлашди, банк билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш, замонавий банк маҳсулотларидан фойдаланиш, бизнес масалаларининг самарали ечимлари ва келажакдаги истиқболлар ҳақида сўзлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, "Асака" банк ЕТТБ билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бизнесдаги молиявий саводхонликни ошириш бўйича тадбирларни давомли ташкил этишни мақсад қилган.

Саҳифа банк Матбуот хизматлари материаллари асосида тайёрланди.

# ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИККА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

**Фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида ва карантин пайтида ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида Халқ банки янги келишувга эришди.**




Шу пайтга қадар жамғариб бориладиган пенсия маблағларини олишда фуқаролардан бир қанча ҳужжатлар талаб этиларди.

Хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан чет элга доимий яшаш учун кўчиб кетаётган фуқароларга маблағларни тўлаб беришда Ички ишлар органларидан маълумотнома талаб қилинарди.

Энди бундай бўлмайди. Халқ банки ва Ички ишлар вазирлигининг ўзаро келишувига асосан фуқаролардан талаб этилаётган маълумотномалар саноқли дақиқаларда онлайн тарзда олинади.

**Ўзмиллийбанк раҳбарияти томонидан ходимлар орасида хорижий тилларни ўрганиш ва мавжуд билимларни такомиллаштириш, шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш учун шароит яратиш ва юқори натижа кўрсатган ходимларни рағбатлантириш учун махсус бот ишга туширилди.**




# “ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИНИ ЎРГАТАДИГАН БОТ ИШГА ТУШИРДИ

Унга кўра, аввал ходимларга 40 та савол берилади ва жавоблар орқали йиғилган баллардан келиб чиқиб билим даражасига қараб турли гуруҳларга ажратилади. Ҳар чорак якунида 3 ойлик натижалар жамланиб, энг яхши кўрсаткич қайд этган ходимлар совғалар билан тақдирланади.

Бу лойиҳа 2019 йил май ойидан "English conversation" номи остида ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, унда 703 банк ходими ўзаро беллашди. 2019 йил ноябрь ойида энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган 15 банк ходими аниқланиб, тақдирланди. Ўзмиллийбанк Бошқаруви раиси биринчи 5 таликка кирганларга қимматбаҳо соврин ва фахрий ёрлиқ топширди. Бундан ташқари, лойиҳа комиссия аъзолари томонидан танлаб олинган ходимлар устамасига қўшимча равишда 10 фоиз миқдорида рағбат тарзида мукофот ўрнатилди.

Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи 2019 йил май ойидан то ноябрь ойигача давом этди. 2019 йил декабрь ойидан то ҳозирга қадар танлов давом этиб келмоқда. Декабрь-февраль ойларида ўзаро беллашган банк ходимлари орасидан юқори натижа кўрсатган 15 иштирокчи саралаб олинди ва мукофотланди.

2020 йил май ойидан эса "Поехали" номли лойиҳа ишга туширилиб, ходимларнинг рус тили саводхонлигини аниқлаш йўлга қўйилди. Лойиҳа инглиз тили билан бирга "NBU QUIZ" телеграм-ботида умумлаштирилди ва ҳозирда 1558 банк ходими рўйхатдан ўтиб, инглиз ва рус тилидаги билимларини синамоқда.

Ушбу ташаббусдан кўзланган мақсад ходимларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқини оширишдан иборат. Шунингдек, лойиҳа иқтидорли ходимларни бир йўналишдан бошқа йўналишга, бир лавозимдан бошқа лавозимга ўтказиш ҳамда департаментларда инглиз ва рус тилларида равон сўзлаша оладиган ходимларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида йўлга қўйилган.

TURON BANK

# “ТУРОНБАНК” БИЛАН УСТЮРТ ЧЎЛЛАРИДАГИ МИНЕРАЛЛАР ЭКСПОРТБОП ХОМАШЁГА АЙЛАНМОҚДА

*1-бошланиши*

Давлатимиз раҳбари ҳам кимё саноатида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар бу талабни қондириш, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар турини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этишини такрор ва такрор таъкидлаяптилар. Айниқса, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, уни саноатдаги асосий “катализатор”га айлантириш, кечиктириб бўлмас вазифа эканлиги қайд этилмоқда.



Бу ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилиб, 2018 йилда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ҳужжат билан қатор муҳим вазифалар белгиланди. Хусусан, 2030 йилгача кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 4,5 бароборга, шу жумладан, минерал ўғитларни 2, маҳсулотлар экспортини эса 4 карра ошириш, шунингдек, органик кимё маҳсулотлари улушини 7 фоиздан 54 фоизгача етказиш орқали тармоқни диверсификация қилишни назарда тутувчи “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Қолаверса, минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этган ҳолда, кимё саноати корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ҳам ишлар жадаллашди. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини кенгайтириб келаётган Баҳодир Калназаров сўзимизга исбот бўлиши мумкин.

Тадбиркор 2017 йили, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот туманида “Ustyurt sodium sulfate” корхонасини ташкил этган бўлиб, санитария-гигиеник буюмлар, текстил ҳаттоки, шиша ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиладиган натрий сулфат хомашёсини ишлаб чиқаришни бошлади.

2018 йилда Туронбанкдан олинган дастлабки 670 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига ишбилармон ўз фаолиятини янада жонлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан янги ускуналарни харид қилди ва сифатли, рақобатбардош натрий сулфат хомашёсини тайёрлаш қувватларини кучайтирди.

Ўтган 2019 йилда расмийлаштирилган иккинчи 3,4 млрд. сўмлик молиявий кўмакка эса махсус техникалар олиб келинди ва заводда иш билан таъминланган ходимлар сони 90 нафарга етди. Маҳсулотнинг нақадар харидоргир эканлиги ҳақида сўз юритар экан ишбилармон Баҳодир Калназаров унинг нақадар ноёб эканлигига тўхталди.

“Натрий сулфат шиша ва қоғоз ишлаб чиқариш учун муҳим хомашё ҳисобланади. Қоғоз ва целлюлоза саноати учун энг кўп ишлатилади ва умумий ҳажмининг тахминан 70% ни ташкил қилади. Шунингдек, у натрий сулфид, гипс, натрий силикат ва бошқа кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ҳам саноатда кенг қўлланилади.

– Авваллари мазкур хомашё мамлакатимизга импорт қилинган бўлса, бугун биз уни маҳаллий шароитда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Заводимизни технологик жиҳатдан замонавий ускуналар ва техникалар билан таъминлашда бизга Туронбанк яқиндан ёрдам кўрсатди. Олган кредитларимиз эвазига биз ҳам янги иш ўринлари сонини ҳам тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажмини оширдик. Хусусан, 2019 йилда 9,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий 2020 йилнинг биринчи чорагида уларнинг сони яна 4,5 млрд. сўмга ошди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун хомашёларимиз нафақат ички бозорда харидоргир бўляпти балки, экспортга ҳам юборилмоқда. Мисол учун ўтган 2019 йилда биргина қўшни давлат Тожикистонга 128 тонна маҳсулот юбордик. Айни вақтларда Россия корхоналари ҳам бизнинг товарга қизиқиш билдиришмоқда, – деди “Ustyurt sodium sulfate” корхонаси раҳбари Баҳодир Калназаров.



Корхонанинг истиқболи аввало юртимизда ушбу маҳсулот учун табиий хомашё захирасининг кўплиги билан боғлиқ. Натрий сулфатни маҳаллийлаштириш ҳисобига арзон нархларда ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун Устюрт чўлларидаги мавжуд минераллар – мирабилит тузларидан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда, локализация даражасининг ошиши, бошқа саноат тармоқлари билан кооператив алоқаларнинг ривожланиши фонида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга замин яратади. Зеро, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “Экспорт қилиш энди истак эмас, балки бурчдир.”

Саҳифа банк Матбуот хизматлари материаллари асосида тайёрланди.

# 50 ЙИЛЛИК ДАРОМАД КАФОЛАТИ

**Айни дамда бутун жаҳонда кечаётган мураккаб вазият сабаб инсоният турли синовларга дуч келмоқда. Айниқса, бу жараёнда ишсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи куннинг энг долзарб муаммосига айланди. Буни ҳал этиш учун эса ҳар бир мамлакат ўз чора-тадбирларини кўриб келмоқда.**



Бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳам мамлакатимизнинг ички имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Қайд этиш жоизки, юртимизда ишсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўлларидан бири – томорқадан самарали фойдаланишдир. Чунки ҳали ҳануз бу соҳанинг улкан имкониятларидан тўлиқлигича фойдаланилгани йўқ.

Бу жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш, бўш турган ерлардан унумли фойдаланиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари ҳам бу ишларнинг самарали кечишида муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантириши, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб бериши ва уларни кооперацияларга бириктириши, бунда мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилиши ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилиши топширилган.

Шу билан бирга республика ҳудудида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига туман ҳокимликлари томонидан фойдаланилмайдиган (суғорилмайдиган), оборотдан чиқиб кетган ерлардан камида 15 гектар, шундан ҳар бир кооператив аъзосига, яъни камида 50 та ишсиз ёки кам таъминланган фуқароларга 20 сотихдан, ҳамкор ташкилотга 5 гектар ер бўлиб берилиши қайд этилганди. Энг асосийси, мазкур ерлар эллик йил муддатга ажратилаётгани ҳар бир кишининг узоқ муддат даромадли ва ишли бўлишига асос бўлмоқда.

Бу жараёнда ҳар бир кооперацияни ташкил этувчи таъсисчилар сифатида 50 та ишсиз фуқаро ва уларга кўмаклашувчи ҳамкор сифатида ташаббускор Фермер хўжалиги ёки Томорқа хизмати МЧЖ бириктирилиши ҳамда улар иштирокида ягона қишлоқ хўжалиги корхонаси ташкил этилади.

Бугунги кунда мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда кўплаб амалий ишлар қилинаётир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативига ажратилган ер майдонларидан асосан мева ва сабзавотчилик йўналишларида фойдаланиш ва йил давомида икки, уч марта ҳосил олиш имконияти мавжудлиги унинг ҳар томонлама самарали ва даромадлигидан далолатдир. Шу боис, ҳам аҳолида бундай кооперацияларга бўлган қизиқишлар ортиб, охирги бир ойнинг ўзида Жамғарма ташаббуси ва таклифига биноан 148 та туманда 304 та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этилиб, фойдаланишга яроқсиз 6 768 гектар ер майдони оборотга қайтарилди. Мазкур ерларга 15 мингдан ортиқ ишсиз ва кам таъминланган аҳоли бириктирилди.

Кооператив мева ва сабзовотчилик йўналишида шуғулланар экан, йил давомида кўпроқ даромад олиш мақсадида ердан икки ва уч маротаба ҳосил олиш имконияти юқори бўлган экинларни экади. Масалан, Сурхондарёда эрта баҳорда экспортбоп лавлаги, карам ва кўкат плёнка орасида етиштирилди. Ўртаки экин сифатида улар соя, помидор экишмоқда. Куз ойларида тўқсонбости экинда эса пиёз, саримсоқ, қалампир ва шу каби озуқа экинлари етиштириш мўлжалланмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг даромадининг ошишига омил бўлиши кутилмоқда.

Қолаверса, мазкур ерларда иссиқхоналарнинг ҳам ташкил этилаётгани аҳолининг йил бўйи иш билан банд бўлиш ва доимий даромад олиш имкониятини ҳам тақдим этмоқда.

Энг асосийси, фуқароларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси фуқароларга кооперативлар устав фондига киришлари учун 24,1 млрд.сўм субсидия ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан мазкур кооперативларга жами 19 млрд.сўм имтиёзли кредит ажратди.

Мазкур кредит маблағлар орқали кооперативларда ишлашга мўлжалланган минитрактор, мотокультиватор ҳамда сув чиқариш, артизан қудуқлари ва сув насослари орқали суғориш тизими жорий этиш мақсадида фуқароларга ажратилган субсидия маблағларига уруғлик ва кўчат йўналиши доирасида фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга мазкур кооперация аъзоларига (фуқароларга) банклар томонидан имтиёзли кредитларнинг ажратилаётгани уларнинг ишини янада олдинга силжишига туртки бўлмоқда. Айни дамда “Микрокредитбанк”, “Халқ банки” ва “Агробанк” АТБ лар орқали 3 йиллик муддатга 1 йиллик имтиёзли давр билан қайта молиялаштириш ставкасида маблағлар берилмоқда. Бундан асосий мақсад аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликдан қутқариш масалалари устувор вазифа ҳисобланади.

Қисқасини айтганда, айни кунларда мазкур кооперацияларда фаолият юритаётган минглаб юртдошларимизга яратиб берилаётган бундай шароитлар уларнинг бугунги мушкул вазиятда янада руҳлантириб, келажакка бўлган умидини оширмоқда. Эндиликда уларнинг ягона мақсади кўпроқ экин экишу кўпроқ даромад олишдир.

**Хуршидбек ИСРОИЛОВ,**
**Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси марказий аппарати бош мутахассиси**

**Ўзбекистон солиқ органлари тизими таркибий тузилмасини қайта ташкил этиш бошланмоқда. Мақсад – солиқ тўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш, шу билан тизимнинг сервисга йўналтирилганлик даражасини ошириш ва солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий ва қулай тарзда бажаришини таъминлашга эришиш.**

# СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТОМОНГА ЎЗГАРМОҚДА

Эндиликда умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ҳисобланадиган барча ҚҚС тўловчиларининг солиқ маъмуриятчилиги босқичма-бочқич янги даражага ўтади.

Хизмат кўрсатишнинг янги тартиби биринчи босқичда Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида жорий этилади. Унга кўра, 1 июндан бошлаб умумбелгиланган солиқ тўловчиларига аввалгидек туман инспекцияларида эмас, балки вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида хизмат кўрсатилади.

2020 йил 1 июлдан бошлаб мазкур учта ҳудудда солиқ тўловчиларнинг ушбу тоифасининг солиқ маъмуриятчилиги тўлиқ Тошкент шаҳар ва вилоят ДСБлари томонидан амалга оширилади.

**Тажриба ва таклифлар**

Ишни самарали ташкил этиш мақсадида солиқ хизмати тизимини оптималлаштириш ва таркибий тузилмари тармоғини такомиллаштириш Халқаро валюта жамғармаси экспертлари ўз тавсияларида кўрсатиб ўтди.

Бундан ташқари, ДСҚ ҳузуридаги Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясини ташкил этиш тажрибаси солиқ тўловчиларнинг маълум тоифаларига нисбатан солиқ маъмуриятчили манзилли тартибда алоҳида тузилмалар томонидан юритилишининг мақсадга мувофиқлигини исботлади.

Шу муносабат билан ҳудудий ДСБлар таркибий тузилмасини қайта ташкил этиш ишлари бошланди: ҚҚСни расмийлаштириш ва қайтариш билан шуғулланадиган махсус бўлимлар ташкил этилмоқда. Мазкур ДСБ ларда умумбелгиланган солиқлар бўйича маълумотларни жамлаш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда ҳамда солиқ тўловчиларга одатий тартибда ва масофадан туриб хизматлар кўрсатиш учун барча шароитлар яратилмоқда.

**Бу нима беради?**

Янги механизм хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигини оширишга ёрдам беради, солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига биринчи мурожаатида ечимини топмаган муаммоси бўйича юқори органга мурожаат қилиш ҳолатлари бир неча баробар камаяди.

Иш манзилли равишда, вазифаларни аниқ тақсимлаш ва ҳар бир масалани батафсил ўрганиш асосида ташкил этилади. Сифатли сервис хизмати солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва ихтиёрий равишда бажаришга имкон беради.

Бир сўз билан айтганда, солиқ тўловчи солиқ органига мурожаат қилишдан ҳар доим мамнун ва барча масалалар бўйича батафсил маслаҳатлар олишлари учун тўлиқ шароитлар яратилади.

Таркибий тузилмани қайта ташкил этиш тадбиркорлик субъектларидан ҳеч қандай қўшимча ҳаракатлар талаб қилмайди. Ўтказиш солиқ хизмати ходимлари томонидан уларнинг иштирокисиз амалга оширилади.

**Маълумот учун:** *Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитасида 96 130 та субъект ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган. Ушбу тартиб биринчи босқичда Тошкент шаҳри, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида амалга оширилади ва 29 170 та ҚҚС тўловчисини қамраб олади (жами учта ҳудуд бўйича). Кейинчалик, бошқа ҳудудлар босқичма-босқич қамраб олинади, 1 октябрдан бошлаб эса ушбу механизм бутун республика бўйлаб амалга оширилади.*

**ДСҚ Матбуот хизмати**

# ИҚТИСОДИЁТДА ПАНДЕМИЯНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

**Инсоният учун янги бир чақирув, синов бўлган тожли вирус дунёнинг забардаст иқтисодиётларини навбати билан синдириб келмоқда. Биологик келиб чиқиши бўйича аниқ бир далил ва исбот бўлмаса-да, дунё иқтисодиётига ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари кўпгина олимлар ва нашриётлар томонидан эътироф қилинмоқда.**

Дастлабки босқичда барча чегаралар ёпилди, мамлакатлар ҳудудларида карантин режими эълон қилинди, кўпгина корхона ва ташкилотларда дистанцион меҳнат фаолияти жорий этилди ва, энг муҳими, вирусга қарши курашиш ва мамлакат иқтисодиётига кўмаклашиш учун жамғармалар ташкил этилди. Ушбу жамғармаларнинг ташкил этилиши пандемиянинг иқтисодий асоратларини юмшатишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда, аҳолининг заиф қатламини ҳимоя қилишни давлат олдига энг асосий вазифа сифатида қўяди.

**Умуман олганда коронавируснинг иқтисодий асоратларини қуйидаги йўналишларда яққол кўришимиз мумкин:**

1. Иқтисодий прогнозларнинг пасайиши. Коронавирус жаҳон молиявий ташкилотлари томонидан нафақат жаҳон иқтисодиётининг, балки барча мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиш прогнозларини пасайтиришга тақозо этди.

2. Ишлаб чиқариш фаоллигининг тушиб кетиши. Барча мамлакатлар ўз аҳолиси учун карантин режимини, ҳаттоки, фавқулодда ҳолат эълон қилганлиги сабабли кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятларини вақтинчалик тўхтатишга мажбур бўлди. Хусусан, Хитойда ўтган феврал-март ойларида ишлаб чиқариш фаоллиги рекорд даражадаги 40,3 % га тушиб кетди. Бу кўрсаткични аниқлаш Caixin/Markit Manufacturing Purchasing Managers' Index –компаниясининг тадқиқотлари асосида олиб борилган бўлиб, 50% паст даражадаги кўрсаткич – ишлаб чиқаришнинг қисқариши деб тан олиниш белгиланган.

3. Хизматлар соҳасининг қисқариши. Коронавирус пандемияси хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатди, чунки чакана савдо, ресторан ва авиацияга кетадиган истеъмолчилар харажатлари камайди.

4. Нефть нархининг қулаши. Дунё бўйлаб ишлаб чиқариш фаоллигининг сусайиши нефтга бўлган талабнинг пасайишига олиб келди, бу эса нефть нархининг ҳам пасайишига сабаб бўлди. Бироқ, бир муддат олдин нефт нархи Россия Федерацияси ва ОПЕК+ давлатларининг нефт қазиб олишни камайтириш бўйича келишмовчилиги ортидан ҳам қулаганди.

5. Молиявий бозорлардаги хаос. COVID-19 вируси тарқалиши ва унинг глобал иқтисодиётга таъсири билан боғлиқ хавотирлар ва қўрқувлар инвесторлар ҳиссиётига салбий таъсир кўрсатди, бу эса ўз навбатида йирик фонд бозорларда акциялар нархларининг кескин пасайишига олиб келди. Таҳлилчилар вирус пандемияси уч йўл билан бозорларга таъсир қилиши мумкин деб қайд этишмоқда:

• Хитойда меҳнат ва ишлаб чиқариш фаоллигининг пасайиши;



• маҳаллий бозорларда меҳнат ва ишлаб чиқариш фаоллигининг пасайиши;

• молиявий бозорлардаги стресс ҳолати.

6. Облигациялар даромадлилигининг пасайиши. Вируснинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши борасидаги хавотирлар ҳам облигациялар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди. АҚШ ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган АҚШ хазиналари инвесторлар учун анъанавий равишда бозорлардаги беқарорлик, ноаниқлик ва ўзгарувчанлик даврида энг афзал ва хавфсиз активлар ҳисобланади. Бироқ, ҳаттоки АҚШ бондларининг даромадлилик даражаси ўтган ойлар давомида 1 фоиздан паст кўрсаткични қайд этди.10 йиллик облигацияларнинг даромадлилик даражаси тарихан энг паст кўрсаткич – 0,3 фоизга тушиб кетди. Бу тарихда кузатилмаган ҳолат сифатида қайд этилди.

7. Халқаро ишсизлик кўрсаткичининг ошиб кетиши. Баъзи давлатларда карантин режими ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши иш берувчилар томонидан ходимларни ишдан бўшатилишига олиб келди. Хусусан, АҚШда 17 млн. дан ортиқ киши ҳукуматга ишсизлик нафақасини тақдим этиш юзасидан мурожаат билан чиқишди. Бу, ўз навбатида, 17 млн. ишчи пандемия туфайли ишсиз қолганини англатади.

8. Халқаро туризм кўрсаткичларининг кескин пасайиши. Туризм жаҳон иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири бўлиб, йиллик даромади 2019 йил якунлари бўйича 5,7 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Деярли 330 миллион киши, ёки дунёдаги иш билан банд инсонларнинг деярли 10 фоизи туризм секторида ишлайди. Туризм сектори коронавирус пандемияси олдида энг заиф бўлган сектор бўлиб қолди. Зеро, туризм соҳасида ҳаракатланиш ва саёҳатни бекор қилиш чекловлари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар, унинг кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Бутун дунё бўйлаб бир неча юз минг кишилар иштирок этиши режалаштирилган йирик анжуман ва тадбирлар бекор қилинди. Энг асосийси, коронавирус етиб борган барча давлатлар ўз чегараларини ёпиш билан халқаро авиақатновларни тўхтатди. Бу ҳам туризм сектори учун кутилмаган зарба сифатида қабул қилинди.

9. Халқаро савдо деярли тўхтади. Мамлакатлар ўз чегараларини ёпганларидан сўнг товар ва хизматлар экспорт-импорти деярли тўхтади. Халқаро Савдо Ташкилотининг прогнозларига асосан, COVID-19 пандемияси бутун дунёдаги нормал иқтисодий фаолият ва ҳаётни издан чиқарганлиги сабабли 2020 йилда жаҳон савдоси кўрсаткичларининг тушиш даражаси 13 ва 32 фоиз орасида бўлиши кутилмоқда.

**Юқоридагиларнинг барчаси иқтисодиёт учун салбий оқибатларни келтириб чиқарсада, пандемиянинг ижобий томонларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:**

1. Онлайн савдолар ва етказиб бериш хизматлари жадал ривожланишни бошлади;
2. Иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши бир неча бараварга ошди;
3. Ходимларни меҳнатга жалб қилишнинг янги имкониятлари юзага келди;
4. Онлайн банкинг хизмати ривожланди;
5. Виртуал туризмнинг янги кўринишлари пайдо бўлди;
6. Карантин режими эълон қилинганидан сўнг ҳар бир оила ўз истеъмолидан келиб чиқиб, қанча маблағга бир ой яшаш мумкинлигини ҳисоблаб чиқишди;
7. Уй шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари пайдо бўлди;
8. Анимацион киноиндустрияга катта йўл очилди;
9. Банклараро процессинг хизматлари янада жадаллашди.

Албатта, пандемиянинг ижобий ва салбий оқибатлари бундан-да кўп бўлиши мумкин, бироқ, юқорида зикр қилинган оқибатлар уларнинг энг асосийси ва тарқалиш нуқтаси деб қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Зеро, юзага келиши мумкин бўлган ўзга асоратлар, албатта юқоридаги оқибатлар ортидан келади деб ҳисоблаймиз.

